

1-1-2019

EFFECTIVE WAYS ASSESSMENT OF THE INVESTMENT POTENTIAL OF THE REGIONS

D.A Rakhmonov

*Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan Uzbekistan, 100000, Tashkent, Mirza
Ulugbek district, Movarounnahr street, 16, dilshodjon.rakhmonov@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Rakhmonov, D.A (2019) "EFFECTIVE WAYS ASSESSMENT OF THE INVESTMENT POTENTIAL OF THE REGIONS," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 1 , Article 9.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss1/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ҲУДУДЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ПОТЕНЦИАЛИНИ БАҲОЛАШ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Рахмонов Дилшоджон Алидждонович,
Банк-молия академияси кафедра мудири, и.ф.д., доц.
E-mail: dilshodjon.rakhmonov@mail.ru

С.А. Сулайманов, ТДИУ талабаси

Аннотация: Мақолада ҳудудларнинг инвестицион потенциалини эконометрик жиҳатдан баҳолашга эътибор берилган. Тадқиқотлар асосида инвестицияларни жалб этишга қаратилган илмий хулосалар шакллантирилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция, ҳудудлар потенциали, инвестицион жозибаторлик.

Аннотация: Статья посвящена эконометрической оценке инвестиционного потенциала регионов. На основе исследований были разработаны научные выводы для привлечения инвестиций, и были разработаны предложения.

Ключевые слова: инвестиции, потенциал регионов, инвестиционная привлекательность.

Abstract: The article focuses on the econometric evaluation of the investment potential of the regions. Based on the research, scientific conclusions have been drawn up to attract investment and proposals have been developed.

Keywords: investment, potential of regions, investment attractiveness.

Кириш

Мамлакатимизда 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланиши ҳам чуқур маъно касб этади. Сабаби инвестицияларни жалб этмасдан туриб, иқтисодиётда мавжуд бўлган капитал эҳтиёжини қондириб бўлмайди. Шундай экан, инвестицион фаолиятни самарали ишлаши учун қулай муҳитни яратиш, унинг мураккаблик жиҳатларини юмшатишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш долзарблик касб этади. Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев (2018) қуйидаги “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган” фикрларни билдириб ўтди.

Ҳозирги шароитда барқарор ва самарали фаолият олиб борадиган иқтисодий жараёнларни таъминлаш замонавий иқтисодий-ижтимоий муносабатлар моделини ўзида акс эттиради. Жумладан, иқтисодий ўсишнинг молиявий омиллари қаторида асосий кўрсаткич сифатида инвестицион фаолиятни қайд этишимиз мумкин. Замонавий шароитда эса, инвестицион потенциал инobatга олинган ҳолда инвестицион жозибаторликни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Инвестицион жозибаторлик микро (ҳудуд, корхона) ва макро (мамлакат) даражада назарий асосларининг тадқиқ этилиши ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланади.

Инвестицион жозибаторликни таъминлаш ва инвестицион потенциалдан оқилона фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– ҳудудларда инвестицион жараёнларни самарали бошқариш моделини амалга ошириш имконини берадиган ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг инвестицион стратегияларини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш;

– ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларини барқарорлаштириш мақсадида инвестицион жозибadorликни оширишга қаратилган иқтисодий мақсадлилиқ, тармоқлараро ҳамкорлик, инвестицион объектларнинг манзиллилиги бўйича институционаллашиш даражасини мустаҳкамлаш орқали синергетик ва мультимпликацион самарага эришиш;

– ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимининг инновацион янгиланишига қаратилган инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, биринчидан, ҳудудий тадқиқот институтларини пайдо бўлиши, иккинчидан инвестицияларнинг инновацион йўналтирилганлигини таъминлайдиган диверсификация даражасини ошириш;

– инвестицияларни тармоқлараро манфаатдорлик тамойиллари асосида молиялаштириш асосида амалга ошириш;

– ҳудудларда инвестицион фаолиятни фаоллаштириш жараёнларини таъминлашга қаратилган кўп компонентликка асосланган маълумотлар базасини ишлаб чиқиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Таъкидлаш лозимки, мамлакат (ҳудуд)ларнинг инвестицион жозибadorлигини баҳолашда BERI индексининг тутган ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур усулнинг моҳияти инвестицион муҳитнинг рисклилиқ даражасини аниқлаб беришга ёрдам берувчи мезон сифатида қаралади.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда 15 та мезон қамраб олинган бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сиёсий барқарорлик (12);
- девальвация (6);
- иқтисодий ўсиш суръатлари (10);
- валюта айирбошлаш (10);
- шартномани бажариш имконияти (6);
- экспертлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари (2);
- транспорт ва алоқанинг ташкил этилганлиги (4);
- хорижий инвестициялар ва фойдага муносабат (6);
- миллийлик имконияти (6);
- тўлов баланси ҳолати (6);
- бюрократик тадбирлар – давлат бошқаруви даражаси (4);
- иш ҳақи ва меҳнат самарадорлигига харажатлар (8);
- қисқа муддатли кредитлаш имкониятлари (8);
- узоқ муддатли кредитлаш (8);
- маҳаллий бошқарув ва шерикчилиқ (4).

Ҳар бир мезон 12 баллгача бўлган тарзда баҳоланиши мумкин. Ушбу 15 кўрсаткичнинг ҳар бирини аҳамиятлилиқ даражасидан келиб чиққан ҳолда максимал балл даражаси белгиланган. Ушбу кўрсаткичларнинг ичида энг муҳими тарзида сиёсий барқарорлик даражаси олинмоқда. Шунингдек, иқтисодий ўсиш суръатлари, валюта айирбошлаш, иш ҳақи ва меҳнат самарадорлигига харажатлар, қисқа

муддатли кредитлаш имкониятлари ва узоқ муддатли кредитлаш каби мезонлар ҳам айна сезиларли аҳамиятга эга бўлган омиллар қаторига киритилган.

Рус олимларидан бир гуруҳи мазкур йўналишда ўзининг изланишларини олиб борган ва илмий хулосаларини шакллантирган. Масалан, А.М. Марголин ва А.Я. Быстряковлар (2001) инвестицияга наф тарзида қараб, “истиқболда иқтисодий ёки ижтимоий наф олиш учун узоқ муддатли ҳар қандай капитал қўйилма” сифатида акс этишини қайд этадилар.

А.Семинанинг (2010) фикрига кўра, хорижий адабиётларда инвестициялар қўйидаги шаклда мавжуд эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Кенг маънода – узоқ муддатли истеъмол товарларини фойдаланиш ёки янги активларни олиш учун капитал қўйилмаларни йўналтиришни ўзида акс эттиради.

Тор маънода – иқтисодиётнинг турли тармоқларида моддий наф олиш ёки самарага эришиш мақсадида асосий воситаларни ишлаб чиқишни ташкил этишни назарда тутди, деган ғояни илгари суради.

Л.Абалкининг (2000) фикрига кўра, иқтисодиётнинг турли тармоқлари корхоналарига узоқ муддатли капитал қўйилмаларни қўйишни кўзда тутилишини инвестицион фаолиятнинг сифати тарзида таъкидлаб ўтади.

А.Вахабов (2010) таҳрири остида нашр этилган қўлланмада инвестицияларни тартибга солишда халқаро молия институтларининг тутган ўрни ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фикрлар баён этилади. Жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишда эътибор берилиши лозим тамойилларга алоҳида урғу бериб ўтилади.

И.ф.д. Ш.Мустафакулов (2014) эса, инвестицион фаолиятни амалга оширишда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш муҳим эканлигини қайд этиб ўтади. Жумладан, иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни йўналтириш орқали қўйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилади, дея таъкидлаб ўтади:

– ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини миқдор ва сифат жиҳатдан ўсишга;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортиши ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига;

– жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакат экспорт салоҳиятининг ўсишига олиб келади.

Инвестицион жозибаторликни иқтисодий барқарорликни таъминлашга ёрдам берувчи омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур иқтисодий категорияни баҳолашда турли илмий ёндашувлар мавжуд. Биз уларни қўйидаги уч гуруҳга ажратган тарзда ўрганишимиз мумкин:

- иқтисодий-математик услублар;
- омиллар таҳлили;
- эксперт таҳлили.

Ушбу услубларнинг умумий мақсади инвестицион жозибаторликни баҳолаш бўлса-да, уларнинг турли ютуқ ва мураккабликлари мавжуд ҳисобланади (1-жадвалга қаранг).

Инвестицион жозибадорликни баҳолашнинг назарий-услубий асослари[1]

	Иқтисодий-математик услублар	Омиллар таҳлили	Эксперт таҳлил
Услубнинг моҳияти	Корреляцион ва дисперсион таҳлиллар, оптималлаштириш, математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланишни англатади	Моҳият жиҳатидан яқин бўлган кўрсаткичларни гуруҳлаштириш орқали таҳлил этиш	Ўрганилаётган объектнинг мутахассис ва раҳбарлар томонидан далилларга асосан баёнотларни берилиши
Афзалликлари	– тизимлаштирилган алгоритм. – олинган натижаларнинг бирхиллиги – “инсон омили”нинг камайтирилиши	– ҳудуддаги ҳолатни акс эттирувчи статистик маълумотларни тартиблаштириш – кўп омилли алоқадорликнинг ҳисобга олиниши – мажмуавийлик	– нафақат доимий статистик, балки бир марталик сифатли маълумот – тажрибали экспертнинг ишончли маълумоти
		– инвестицион фаолиятдан келиб чиқиб ҳудудларни гуруҳлаштириш имкони. – натижаларнинг тушунарлилиги	
Камчиликлари	– моделга олинган кўрсаткичларнинг асосланмаганлиги – сўнгги натижага ҳар бир кўрсаткични қўшган улушини баҳолаш имкония мавжуд эмас	– улуш ва индикаторларнинг ўрнатилган меъёрлари мезонининг субъективлиги. – танланган барча омилларнинг етарли асосланмаганлиги	– эксперт баҳосининг субъективлиги. – юқори меҳнат сиғимкорлиги. – юқори қиймат. –
		– иштирокчилар зртасидаги рейтингдаги ҳақиқий масофани аниқлаш имкони йўқлиги. – кўрсаткичларни аниқлашнинг шаффоф эмаслиги	

Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Р.Ҳ.Бозоров инвестицион фаолиятни баҳолашда икки методологик ёндашувни ажратиб кўрсатади. Жумладан, молиявий ва иқтисодий баҳолаш тарзида ажратиб кўрсатади. “Молиявий баҳолаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнидаги ликвидлигини таҳлил қилишда ишлатилади. Бошқача айтганда, молиявий баҳолаш вазифаси, лойиҳани белгиланган муддатларда амалга ошириш учун, унинг жами молиявий мажбуриятларини бажаришга корхонанинг етарли молиявий ресурслари бўлишини белгилашдир.

Иқтисодий баҳолаш эса, инвестиция лойиҳасининг потенциал қобиляти, шу лойиҳага қўйилган маблағларнинг қийматини сақлаб қолишда ва уларнинг ўсиш суръатини етарли даражасини яратиб беришда фойдаланилади[2]”.

Профессор Овчинникова О.П. ва Чурлова Е.Е. ўзларининг тадқиқотларида инвестицион жозибадорликни иқтисодий таркибий тузилишга ва риск таркибига

боғлиқ равишда баҳоланишини тушунтириб беришган. Унда қуйидаги формулага эътиборни қаратишган[3]:

$$ИЖ = ИТ \times (1 - РТ)$$

ИЖ – инвестицион жозибаторлик; ИТ – иқтисодиёт таркиби (бюджет дефицити, ўртача солиқ ставкаси, инвестициялар ҳажми); РТ – рисклар даражаси.

Ушбу баҳолашдан ҳосил бўлган натижани қуйидагича ҳолатда мезонлаштирилган:

ИЖ>0,4 – юқори инвестицион жозибаторлик;

0,2< ИЖ<0,4 – ўртачадан юқори инвестицион жозибаторлик;

0,1<ИЖ<0,2 – ўртача инвестицион жозибаторлик;

0,05<ИЖ<0,1 – ўртачадан паст инвестицион жозибаторлик;

ИЖ < 0,05 – қўйи инвестицион жозибаторлик.

Шунингдек, рус олими Бочаров С.В. томонидан олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, инвестицион жозибаторликни белгиловчи омиллар ва уларнинг тутган ўрни қуйидагича эканлиги қайд этилади[4]:

- иқтисодий самардорлик – 0,207;
- тижоратлаштириш даражаси – 0,203;
- лойиҳанинг мукамаллик даражаси – 0,161;
- ижрочиларнинг малакаси – 0,149;
- лойиҳанинг янгилик даражаси – 0,148;
- патентланиш даражаси – 0,132.

Шундай экан инвестицион жозибаторликни баҳолашда бир қатор омилларга эътибор қаратилиши билан бирга, инвестицион сиёсатга ҳам боғлиқ. Ҳудудга инвестицияларни жалб қилиш масаласини ечиш учун ҳудудий инвестицион сиёсатни ишлаб чиқилиши зарур. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳудудий инвестицион сиёсат – бу ҳудудий маъмурият органлари фаолияти бўлиб, у инвестициялар манбаини излаб топишга ва уларни самарали фойдаланиладиган соҳаларга йўналтиришга қаратилган бўлиши керак.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда панель маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳудудларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотлари ва инвестициялар тенденциялари ўртасида ўзаро алоқадорлик корреляцион-регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Биз инвестицион жозибаторликни баҳолашда инвестицион потенциал категориясидан фойдаланамиз. Шу билан бирга, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг яратилишидаги улуши бўйича таҳлилларни иқтисодий-математик усуллардан фойдаланамиз.

Мамлакатимизнинг ҳудуд(вилоят)ларига киритилган инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот яратишдаги улушини таҳлил этиш учун регрессион таҳлилни амалга оширдик. Бунда 2013-2017 йиллар кесимида маълумотлар танлаб олинди. Олиб борилган тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, қатор вилоятларда инвестицияларнинг қўшимча қиймат яратишдаги улуши тўғридан-тўғри бўлмасдан, балки билвосита хусусиятга эга бўлаётганлигини қайд этиш мумкин.

2-жадвал

Ҳудудларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ва ЯҲМлар ривожланиш тенденциялари регрессион таҳлилі

Ҳудудлар номи	Коэффициентлар		Р-қиймат		F-қиймат
	Озод ҳад	Эркин ўзгарувчи	Озод ҳад	Ўзгарувчи	
Қорақалпоғистон Республикаси	6600,3	-0,3902	0,13	0,66	0,22
Андижон вилояти	-3086,9	6,97	0,77	0,31	1,49
Бухоро вилояти	6279,1	0,59	0,01	3,18	10,2
Жиззах вилояти	2560,0	1,57	0,12	0,25	2,0
Қашқадарё вилояти	5056,1	1,27	0,01	0,00	59,8
Навоий вилояти	2292,0	3,25	0,36	0,04	10,9
Наманган вилояти	1718,2	2,83	0,01	0,00	319,0
Самарқанд вилояти	5393,9	1,50	0,75	0,80	0,07
Сурхондарё вилояти	-3015,3	6,37	0,02	0,00	297,1
Сирдарё вилояти	-1973,5	5,10	0,01	0,00	249,6
Тошкент вилояти	-13658,9	8,13	0,29	0,06	8,21
Фарғона вилояти	16321,4	-2,52	0,01	0,26	1,87
Хоразм вилояти	-2586,2	5,82	0,44	0,06	8,36
Тошкент шаҳри	4403,2	2,87	0,26	0,00	54,6

Масалан Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри каби ҳудудларда мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиш чизиқли тарзда бўлаётанлигини англатмоқда. Ўрни ушбу ҳудудлардаги регрессион таҳлил натижаларига эътибор қаратсак, кузатишлар сони 5 та бўлганлиги сабабли Фишер тақсимоти бўйича мезон 9,12га тенг. Қайд этиб ўтилган ҳудудларда эса мазкур F-қиймат 9,12 дан катта эканлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаш лозим, Бухоро вилоятида 1 бирлик инвестиция ялпи ҳудудий маҳсулотни 0,59 бирликка ижобий ўзгаришига шароит яратаётган бўлса, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида мос равишда 6,37 ва 5,10 бирликка ошишини кўрсатиб турибди. Шундай бўлсада, ҳисобга олинмаган омиллар салбий таъсирга эга бўлаётганлиги маълум бўлмоқда. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, Навоий, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида мазкур кўрсаткичлар мос равишда 3,25; 2,83 ва 2,87 бирликка ошиш кузатилганлигини ҳамда ҳисобга олинмаган омиллар таъсири ҳам ижобийдир. Ушбу ҳудудларда нафақат F-қиймат балки, R-қиймат ҳам мезон даражасида бўлганлигини кузатиш мумкин (2-жадвалга қаранг).

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ялпи ҳудудий (ички) маҳсулотга нисбатан улуши ўртача 23 фоиз атрофида бўлиши жаҳон тажрибасидан маълум. Жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ушбу кўрсаткич 20,75 фоиз эканлигини, Европа Иттифоқида эса 19,3 фоиз эканлигини кўриш мумкин. Масалан, мазкур кўрсаткич АҚШда 20 фоиз, Германияда 18,8 фоиз, Нидерландияда 17,3 фоиз, Японияда 21,9 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда эса, 30,3 фоиз тарзида шаклланмоқда[5].

Шу нуқтаи назардан, ҳудудларга эътибор қаратсак ушбу тенденциянинг барқарор хусусиятга эга эмаслигини кўриш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида ЯҲМга нисбатан асосий капиталга инвестициялар улуши 2013 йилда 79 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 27 фоизга тенг бўлган. Андижон

вилоятида 15-17 фоизни, Фарғонада 15-25 фоизни ташкил этганлигини қайд этиш мумкин. Юқоридаги регрессион таҳлилимизда ижобий тенденциялар қайд этилган вилоятларда мазкур кўрсаткич 39-58 фоизни, Наманганда 21-28 фоизни, Сурхондарёда 26-27 фоизни, Тошкент шаҳрида 28-30 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳудудларда инвестицияларнинг ЯҲМга нисбатан улуши барқарор хусусиятга эга бўлганлигини ва натижада ЯҲМнинг ўсишига ижобий тарзда боғлиқ бўлган вазият юзага келган, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, Бухоро вилоятида ушбу рақам 2013-2016 йилларда ўртача 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 90 фоизга тенг бўлган. Бу албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг тадрижийлиги натижасида сезиларли ўзгаришлар юз берганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, ушбу жараёнларни BERI индекси бўйича баъзи мезонларга эътибор берсак, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Самарқанд каби вилоятларда 2015-2017 йилларда иқтисодий ўсиш кескин ўзгаришлар бўлганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 13 фоиз пунктга пасайишни қайд этиш лозим. Бу эса албатта, инвестицион потенциални мустаҳкамлашда иқтисодий ўсиш тенденцияларини ҳам барқарор бўлишига эришиш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланар экан.

3-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келган асосий капиталга киритилган инвестициялар ва ЯҲМлар ривожланиш тенденциялари регрессион таҳлилі

Ҳудудлар номи	Коэффициентлар		Р-қиймат		F-қиймат
	Озод ҳад	Эркин ўзгарувчи	Озод ҳад	Ўзгарувчи	
Қорақалпоғистон Республикаси	6810,2	-0,79	0,11	0,61	0,31
Андижон вилояти	-4711,3	22,9	0,71	0,31	1,47
Бухоро вилояти	6151,9	1,12	0,01	0,05	9,9
Жиззах вилояти	-5769,9	10,7	0,04	0,00	35,5
Кашқадарё вилояти	4388,7	4,17	0,03	0,00	60,1
Навоий вилояти	1916,8	3,17	0,49	0,05	9,14
Наманган вилояти	1297,1	7,89	0,06	0,00	211
Самарқанд вилояти	5877,1	4,74	0,75	0,84	0,04
Сурхондарё вилояти	-4201,1	16,9	0,01	0,00	322,7
Сирдарё вилояти	-2888,8	4,71	0,01	0,00	107,7
Тошкент вилояти	-15746,5	24,1	0,34	0,09	5,66
Фарғона вилояти	-28152,9	64,5	0,07	0,03	14,2
Хоразм вилояти	-6403,8	15,0	0,35	0,12	4,5
Тошкент шаҳри	3177,5	7,2	0,43	0,00	49,6

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда ҳудудларда киши бошига тўғри келувчи асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми билан ялпи ҳудудий маҳсулот ўртасидаги боғланишни кўриб чиқамиз. Бунинг учун регрессион таҳлил методологиясидан фойдаланган ҳолда тадқиқотларни амалга оширамиз.

Бу борада, аҳолининг жамғариш даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Ж.Кейнс инсонларнинг ўз истеъмолларини даромадлари ошиб бориши билан ўзгартириш мойиллиги мавжуд эканлигини қайд этиб ўтади[6].

Албатта ялпи ҳудудий маҳсулотнинг яратилишида аҳоли истеъмоли инobatга олинади. Шу боисдан, аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестицияларнинг ҳажми ҳудудий иқтисодий ўсишни шакллантириб беришда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қайд этиш мумкинки, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудларида аҳоли жон бошига тўғри келган асосий капиталга инвестициялар ҳажми қўшимча қиймат яратилишида аҳамиятга эга бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу ҳудудларнинг қаторига Фарғона вилоятини ҳам қўшиш мумкин. Мазкур вилоятда F-қийматга эътибор қаратсак, Фишер тақсимооти мезони жадвалида келтирилган кўрсаткичдан катта, шунингдек, P-қиймат ҳам 5 фоиз эҳтимоллик четланишдан кичкина эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳудуднинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аҳоли жон бошига тўғри келувчи бир бирлик инвестициянинг ортиши қўшимча қийматнинг 64,5 бирликка ортишига олиб келиши маълум бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки регрессион таҳлил мезонларининг барча кўрсаткичлари ижобий бўлган Бухоро вилоятида мазкур кўрсаткич 1,12 бирликка тенг бўлаётганлигини кўриш мумкин (3-жадвалга қаранг).

Бизнингча, аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестицияларнинг ҳажми юқори бўлиши қўшимча қиймат яратишнинг муҳим омили бўлаётганлиги йўқ. Бу ерда эътиборли жиҳат йиллар кесимида бир кишига тўғри келувчи инвестицияларнинг кескин ўзгариб кетишини олдини олишдир. Бу ҳолатни мониторинг қилиб, прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда инobatга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

4-жадвал

Ҳудудларда асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция(кредит)лар ва ЯҲМ ривожланиш тенденциялари регрессион таҳлили

Ҳудудлар номи	Кoeffициентлар		P-қиймат		F-қиймат
	Озод ҳад	Эркин ўзгарувчи	Озод ҳад	Ўзгарувчи	
Қорақалпоғистон Республикаси	6412,0	-0,82	0,04	0,52	0,52
Андижон вилояти	546,8	73,5	0,91	0,14	3,84
Бухоро вилояти	7974,8	0,51	0,00	0,15	3,5
Жиззах вилояти	2108,2	26,8	0,05	0,04	11,3
Қашқадарё вилояти	5710,0	5,3	0,07	0,03	13,6
Навоий вилояти	8982,1	0,8	0,03	0,93	0,00
Наманган вилояти	4540,4	5,8	0,00	0,00	103,9
Самарқанд вилояти	-1118,5	208,6	0,42	0,18	2,98
Сурхондарё вилояти	1323,2	29,1	0,37	0,00	43,0
Сирдарё вилояти	4818,2	-14,3	0,29	0,74	0,12
Тошкент вилояти	3938,0	23,6	0,43	0,05	9,9
Фарғона вилояти	23786,5	-55,3	0,19	0,46	0,69
Хоразм вилояти	3913,3	19,4	0,07	0,22	2,27
Тошкент шаҳри	10839,2	13,1	0,08	0,02	17,1

Ҳудудларнинг инвестицион потенциали ҳақида фикр юритилганда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг қўшилган қиймат яратишдаги жараёнга таъсири муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, жалб қилинган хорижий маблағлар ҳудуднинг сиғимкорлигидан келиб чиқиб, унинг иқтисодий ўсишида ўз аксини топиши керак.

Қайд этиш мумкини, Жиззах, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудларида хорижий маблағларга боғлиқ тарзда иқтисодий ўсиш маънога эга бўлмоқда. Ушбу ҳудудларда Наманган ва Қашқадарё вилоятларида бир-бирлик хорижий инвестиция ялпи ҳудудий маҳсулот яратишда 5 бирлик синергетик самара бераётганлигини кўриш мумкин (4-жадвалга қаранг).

Хулоса ва таклифлар

Фикримизча, ҳудудларда асосий капиталга инвестициялар билан ялпи ҳудудий маҳсулотлар ўртасидаги ўзаро ижобий боғлиқликни таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

– ҳудудга жалб этилаётган инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан улушини барқарор тарзда бўлишини таъминлаш;

– инвестицияларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариш тенденцияларини кескин тарзда бўлишини олдини олиш;

– инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот яратишдаги ўрнини ижобий бўлишини таъминлаш учун инвестициялар ҳажмининг ялпи маҳсулотга нисбатан улушини халқаро мезонлар бўйича бўлишини (25-40 фоиз) таъминлашга эътибор қаратиш.

Фикримизча, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг яратилишида маҳаллий ва хорижий инвестицияларнинг ўсиб бориши билан уйғунликда ривожланиш тенденциясига эга бўлмоқда. Таъкидлаш лозим, мазкур ҳудудларда жалб этилаётган инвестициялар истеъмол хусусиятига эмас, балки қиймат яратиш хусусиятига мансуб бўлмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлмоқдаки, Жиззах вилоятида маҳаллий инвестицияларнинг ривожланиш тенденциялари қўшимча қиймат яратишда билвосита таъсир этган бўлсада, хорижий маблағларнинг ялпи маҳсулот яратишдаги улуши тўғридан-тўғри боғлиқликни ўзида акс эттирмоқда.

Таъкидлашимизча, инвестицион потенциали ижобий хусусият касб этадиган вилоятлар қаторига Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри каби ҳудудларимизни келтиришимиз мумкин. Шу боисдан айтиш мумкинки, қайд этиб ўтилган ҳудудларда мавжуд салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда инвестицион фаолият таъминланмоқда.

Бизнингча, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– табиий-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда инвестицияларни жойлаштириш;

– ихтисослашув даражасини инобатга олиб, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш;

– рақобат устунлиги имкониятларини эътиборга олган ҳолда, устувор соҳаларга инвестицияларни жойлаштириш;

– инвестицияларнинг ҳажмига эмас, балки унинг иқтисодий ўсишдаги ижобий таъсирини инобага олиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил. 28 декабр <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

2. Марголин, А.М. Экономическая оценка инвестиций / А.М. Марголин, А.Я. Быстряков. — М., 2001. — С.358
3. Семина, Л.А. Научный подход к определению понятия «инвестиции» для предприятий агропромышленного комплекса / Л.А. Семина // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. - 2010. - № 10 (72). - С.108
4. Абалкин, Л.И. В поисках новой стратегии / Л.И. Абалкин, О.М. Грибанова // Избр. труды; в 4 т. — М.: Экономика, 2000. — Т. 4. — С.738
5. Вахабов А., Хажикабиев Ш., Муминов Н. Хорижий инвестициялар: Ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А. В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. – 328 бет.
6. Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашда кенг қўламли инвестиция сиёсати// "BIZNES - ЭКСПЕРТ". 2014.24.03. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/19781-mamlakatimiz-iqtisodiyotini-modrnizatsiyalashda-kng-kolamli-invstitsiya-siyosati>
7. Бозоров Р.Ҳ. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, 2018 йил март-апрель,
8. Овчинникова О.П., Чурилова Е.Е. Методы оценки инвестиционного климата региона //Международный научно-исследовательский журнал. – 2014. - №9(28). – 94-97 с.
9. Бочаров С.В. Оценка привлекательности научно-технических разработок при формировании инвестиционной политики предприятий: автореферат ... к.э.н. – Нижний Новгород. НижГАСУ, 2006. – 27 с.
10. <http://www.economywatch.com/economic-statistics/economic-indicators/Investment Percentage of GDP/> Мурожаат санаси – 15.10.2018 й.
11. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег [перевод с английского Н.Н. Любимова]/Дж. М. Кейнс. – Москва: Гелиос АРВ, 2011 – С. 98.